

## Ўзгаларни камситманг!



20:03 / 11.11.2018 4087

Қуръони каримда олдинга сурилган асосий ғоялардан бири – ўзгаларни ҳурмат қилишдир. Чунки бу нарса жамиятнинг бирлигини сақлашда, унинг аъзолари орасида муҳаббатни кучайтиришда, душманлик ва келишмовчиликнинг сабабларини йўқотишда катта аҳамият касб этади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

الْأَسْمُ يَسَّ بِأَلْفَقَبِ نَنَابَزُوا وَلَا أَنْفُسَكُمْ نَلْمِزُوا وَلَا مَنَّهُنَّ خَيْرًا يَكُنَّ أَنْ عَسَى نَسَاءٌ مِّنْ نِّسَاءِ وَلَا مَنَّهُمْ خَيْرًا يَكُونُوا أَنْ عَسَى قَوْمٌ مِّنْ قَوْمٍ يَسْحَرُونَ لَاءِ الَّذِينَ يَتَأْتِيهَا

﴿الظَّالِمُونَ هُمْ فَأَوْلِيَّتِكَ يَنْبَى لَمْ وَمَنْ الْإِيمَانِ بَعْدَ الْفُسُوقِ﴾

**«Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасинлар), эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва ўзингизни ўзингиз мазах қилманг, бир-бирингизга**

**лақаб қўйманг. Иймондан кейин фосиқлик исми нақадар ёмон! Ва ким тавба қилмаса, бас, ана ўшалар золимлардир»** (Хужурот сураси, 11-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ мусулмонларни ўзидан бошқаларни ҳурмат қилишга, уларнинг обрўсини тўкмасликка, ҳис-туйғуларини таҳқирламасликка буюради. Эркақдир, аёлдир, ҳеч кимни хоҳ гап билан, хоҳ қўл билан ишора қилиб ёки бошқа йўллар билан бўлсин, масхара қилиб, камситиб бўлмайди. Эҳтимол, масхара қилинган кишилар кўриниши хунук, ўзи бечораҳол кўринса ҳам, аслида масхара қилувчидан яхшироқдир. Бу ҳолда масхара қилувчи ўзи билмаган ҳолда Аллоҳ обрўсини кўтарган кишини паст санаган бўлади. Қолаверса, масхара қилинган кишининг аччиғи чиқиб, масхара қилувчининг ҳам айбларини ахтариб қолиши турган гап. Агар айб топмаса, ўзидан ёлғон айбларни тўқиб, халқ орасида тарқатиши ҳеч гап эмас. Шундай экан, «Масхара қилувчи энг аввал ўзига ўзи зарар етказди», десак, хато қилмаган бўламиз. Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бировни масхара қилиш қалбларга ёмонлик солади ва кишилар ўртасида дўстлик алоқаларини узади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда бировнинг айбини ошкор қилмасликка буюради, чунки бу нарса ҳам жамият аъзолари орасига адоват солади.

Аллоҳ мусулмонларни худди бир жон, бир танга ўхшатади, шунинг учун ўзларини ўзлари айблашларидан қайтаради. Энди қачон бир мусулмон бошқа бир мусулмон биродарини айбласа, худди ўзини айблагандек бўлади.

Шунингдек, Аллоҳ кишиларни ўзлари ёқтирмаган лақаблар билан аташни ҳам ман қилади. У лақаб ўзига, отасига, онасига ёки бирор яқин кишисига тегишли бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси кишилар ўртасида келишмовчилик келтириб чиқаради. Аллоҳ таоло масхара қилиш, бировни айблаш ва бировга лақаб тўқиш каби иллатларни фисқу фасод иш дейди ва буларни қилиш билан Аллоҳнинг тоатидан чиқилишини баён этади. Шунинг учун иймонли одамни «фосиқ» деб аташ тўғри эмас. Мана шундай ёмон иллатлардан ўзини тиймаган кишилар ўзларига зулм қилиб, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлганлардир.

**“Иймон” китобидан**